



24 O'ZBEKISTON
PREZIDENTI
OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг
раиси Зайниддин
НИЗАМХОДЖАЕВнинг

**МАТБУОТ
АНЖУМАНИДАГИ
НУТҚИ**

2 САҲИФА

**МАҚСУДА
ВОРИСОВА
САЙЛОВДА
ОВОЗ БЕРДИ**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси-
дан Ўзбекистон Республикаси Президент-
лигига номзод Мақсуда Ворисова пойтах-
тимизнинг Учтепа туманидаги 206-сайлов
участкисда овоз бериш ҳуқуқидан фойда-
ланди. Мақсуда Ворисова сайлов участка-
сида ўз оила аъзолари билан биргаликда
қатнашди.

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловида фаол иштирок этди.
Бу одамларимизнинг Ватанимизнинг буюк
кељагагига катта ишонч ва дахлдорлик
туйғуси билан яшаётганидан далолатдир.

Партиямиздан Президентликка номзоди
кўрсатилган Мақсуда Ворисова овоз берган
сайлов участкасига 2140 нафар фуқаро
бириктирилган бўлиб, улардан 35 нафари
биринчи марта овоз берди.



ФАКТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
бу йилги Президент сайловида юқори
натижаларни қайд этди:

- 1991 йилдан кейинги сайловларда
2-ўринни олган номзодлар ичида энг кўп
6,6 фоиз овоз олди.

- Мақсуда Ворисова партиямиз
тарихида Президентликка кўрсатилган
биринчи аёл номзод бўлди.

RAQAM

1 060 000

нафарга яқин сайловчи
партиямиздан кўрсатилган
номзодга овоз берди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДАГИ ИШТИРОКИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

Авваламбор, 2021 йил 24 октябрь кўни
мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент
сайловида иштирок этиб, ўз фуқаролик
бурчини сидкидилдан адо этган барча фу-
қаролар, жумладан, ёшлар, хотин-қизлар,
нуроний отахон ва онахонларимизга, пар-
тиямиз тарафдорларига самимий миннат-
дорчилик билдираман!

Ишончим комил, мазкур сайлов халқи-
мизнинг улуғвор қудратига таяниб, Янги
Ўзбекистонни барпо этиш ва юрдошлари-
мизнинг фаровонлигини оширишга қаратил-
ган тўб демократик ўзгаришлар изчил тус
олганининг яна бир амалдаги исботи бўлди.

Биз сўнгги йилларда Ҳаракатлар стра-
тегияси доирасида Ўзбекистонда жамият
ҳаётининг барча соҳаларида амалга оши-
рилган изчил ва тизимли ислохотлар нати-
жасида улкан натижаларга эришилганини
алоҳида эътироф этамиз.

Халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, сай-
лов тизimini эркинлаштириш, фуқаролик

жамияти институтлари, оммавий ахборот
воситаларининг родини ошириш борасида
мисли кўрилмаган чора-тадбирлар ҳаётга
татбиқ этилди.

Бир сўз билан айтганда, ислохотлар
натijasида мамлакатимизда ижтимоий
давлат қуриш борасида улкан натижалар
қўлга киритилди, юртимизда мутлақо янги
ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маъ-
навий-маърифий муҳит шаклланди.

Янгиланишлар нафаси кириб бормаган
бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар, туман,
қишлоқ ва маҳалла қолмади, десам, адаш-
маган бўламан.

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз улкан
имконият ва амалий ишлар мамлакатига
айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
илк бор Сайлов кодекси асосида ташкил
этилган Президент сайлови – умумэтироф
этилган очиқлик ва ошқоралик, кўппар-
тиявийлик ва муқобиллик, қизғин ва қучли

рақобат, адолат ва қонунийлик сингари
демократик тамойилларга тўла мос равиш-
да, ниятда кўтаринки руҳда ўтганини
алоҳида таъкидлайди.

Фуқароларимиз ҳеч қандай босимсиз,
эмин-эркин ўзлари танлаган номзодга овоз
бердилар.

Сайловолди тарғибот ва ташвиқот жа-
раёни ошқора муҳитда ўтказилгани сабаб-
ли, партиямиз ва номзодимизнинг ғоя ва
таклифларини халқимизга, сайловчиларга
тўлақонли етказишга муваффақ бўлди.

Биз сайловолди ташвиқотининг барча
шаклларида фойдаландик. Жумладан,
жойларда партиямиз томонидан кўрсатил-
ган номзод ва унинг ишончли вакилла-
рининг сайловчилар билан учрашувлари
видеоконференц-алоқа воситаларидан кенг
фойдаланилган ҳолда, бевосита мулоқот
тарзида ўтказилди.

Давоми 2-бетда. ▶



**ДАВЛАТ
ТАРАҚҚИЁТИ
ВА ХАЛҚ
МАЪРИФАТИ**

4
САҲИФА



**АДВОКАТЛИК
ОСОНИМИ?**

5
САҲИФА

САЙЛОВЧИДАН ТАКЛИФ

Худудларда ўтказилаётган тадбирларда
фуқаролар, партия фаоллари давлат ва жамият
бошқарувига оид масалаларда ҳам таклифлар
билдиришади.

**Нилуфар АБДУЛЛАЕВА,
Халқ демократик партияси фаоли:**

— Ижтимоий давлат қуриш ғояси бугунги кунда
нафақат партиямизнинг, кенг жамоатчиликнинг ор-
зулари билан ҳам уйғун келади. Яъни, биз бугунги
кунда ижтимоий давлат қуриш ғояси юрдошларимиз-
нинг қалбидан чуқур жой олганини кўриб турибмиз.

Ижтимоий давлат қуриш, ҳар соҳада ижтимоий
тенгликни таъминлаш бугунги кунда давлатнинг
асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир
инсон, ҳар бир фуқарога муносиб яшаш шароити
яратилиши, ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши,
ривожланиши учун тенг имкониятлар берилиши асо-
сий вазифалардан бири, деб ўйлайман.

Бу борада биринчи марта 1949 йилда Германия
Федератив Республикаси Конституциясида немис дав-
лати ижтимоий деб аталган, яъни ҳозирги кунда бунга
кўплаб – у ёки бу тарзда ижтимоий давлат, ижтимоий-
лик тамойиллари қатор давлатларнинг Конституция-
ларидан ўрин олганини кўришимиз мумкин. Бунга
Туркия, Италия, Испания, Япония каби давлатларнинг
Конституцияларини мисол қилиб келтирсак бўлади.

Ушбу ғоя Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-
да ҳам ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ, деб ўй-
лаймиз. Зеро, сўнгги беш йилда амалга оширилаётган
давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ҳам
айнан ижтимоий давлат қуриш ғоясига уйғун келаёт-
ганини кўриш мумкин.

27-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№43 (32685)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДАГИ ИШТИРОКИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ



Шунингдек, сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситаларидан кенг миқёсда фойдаландик, ижтимоий тармоқларда фаол тарғибот олиб бордик.

Хусусан, сайловолди ташвиқотимизни ўтказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг теле ва радиоканаллари, маҳаллий телеканалларда, марказий ва маҳаллий газеталарда ажратилган бепул эфир вақтлари ҳамда саҳифалардан тўлиқ фойдаландик.

Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда кўргазмали воситалардан ҳам самарали фойдаланиш чоралари кўрилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда сайлов жараёни очиклик, ошкоралик каби демократик принциплар асосида ўтганлигидан далолат беради.

Сайловолди жараёнларида сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, жамият ривожига қаратилган такдифлари, бир-биридан фарқ қилувчи дастурий ғоя ва мақсадлари яққол кўзга ташланди.

Мамлакатимиздаги Президентлик сайловлари тарихида илк бор ўтказилган номзодларнинг вакиллари ўртасидаги теледебатлар ҳам ушбу мақсадга хизмат қилди.

Энг асосийси, ушбу сайлов халқимизнинг муҳим сиёсий жараёнларга қизиқиши ҳар қачонгидан ҳам ошганлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалиб, юртимиз келажигига дахлдорлик туйғуси кучайганлигини ҳам яққол кўрсатиб берди.

Сайловчиларнинг номзодга дадил саволлар бериши, жўяли таклиф ва тавсияларини ўртага ташлаши – уларнинг мамлакатимиз тақдирига бефарқ эмаслигига тасдиқдир.

Маълумки, бу галги сайлов кампанияси пандемия шароитида ўтказилди. Бу ҳам сайлов тизимимиз учун ўзига хос синов бўлди. Муҳими, сайловолди тарғибот тадбирлари ва овоз бериш жараёни пандемия қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ташкил этилди.

Барча сайлов участкаларида партияимизнинг 21 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ишончли вакиллари фаоллиги олиб бордик.

Партияимизнинг кузатув натижаларига кўра, сайлов жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сайлов

кодекси ва сайловга оид бошқа қонунчилиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар умуман кузатилмаганини айтиб ўтмоқчиман.

Яъни, сайловнинг қонунийлиги ва адолатлилиги таъминланди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов натижалари бўйича – Ўзбекистон Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод – ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев жуда катта фарқ билан ғолиб чиққанини эълон қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг номзоди 6,6 фоиз овоз билан 2-ўринни эгаллади.

Биз бунинг халқимиз сиёсий иродасининг амалдаги ифодаси, деб биламиз ва сайлов натижаларини тўла-тўқис тан оламиз.

Биз халқимизнинг ушбу танловини ҳурмат қиламиз ва қадрлаймиз.

Ҳурматли Шавкат Миромонович томонидан ишлаб чиқилиб, эълон қилинган “Янги Ўзбекистон стратегияси” халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин эгаллади.

Биз ҳам ўз навбатида сайланган Президентга халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва юртимиз равақига қаратилган улғувор мақсадларни рўёбга чиқаришда ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўзимизнинг ҳиссамизни қўйишга ва тинимсиз ишлашга тайёрлигимизни билдирамиз!

Халқимизни ҳам ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев атрофларида бирлашиб, биргаликда олға қадам босишга чақириб қоламан.

Ҳурматли партиядошлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ишонч билдирган юртдошларимизга, ушбу муҳим сиёсий жараёни бевосита кузатиб борган чет эллик кузатувчиларга, Марказий сайлов комиссиясига, партияимиз фаолларига ҳамда партияимизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган
номзод.

Халқнинг ишончини, меҳрини қозониш инсон учун энг олий саодатдир!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВнинг

МАТБУОТ АНЖУМАНИДАГИ НУТҚИ

МСК Матбуот маркази. 2021 йил 25 октябрь. соат: 16:00.

Азиз Ватандошлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!
Кеча, 24 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган очиклик, ошкоралик, эркинлик ва адолат каби умумэтироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилди.

Бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистон ўтмиш аждодларнинг тарихий анъаналарини давом эттириб ва янада бойитиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётган замонавий давлат сифатида бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда.

Кuni кеча ўтган Президент сайлови **халқимиз юксак тафаккури ва донишмандлигининг** ёрқин ифодаси бўлди.

Ушбу сайлов Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ва жадал ислохотларнинг узвий давомидир.

Бешта сиёсий партия ва уларнинг номзодлари ўртасида **реал рақобат муҳитида ўтган** Президент сайлови Ўзбекистонда **эркинлик ва демократия** амалда мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намойишидир!

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқро экспертлар таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтди.

Сайлов қонунчилигига жорий йилнинг **8 февраль ва 31 май** кунлари киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга биноан, энг аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими янада такомиллаштирилди.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини Сайлов кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш бўйича **асосий тадбирлар дастури** ҳамда **Календарь режасига** биноан, қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиклик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этди.

Сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилди.

Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини **ишончли муҳофаза қилиш**, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, айни куз фасли бўлишига қарамай, сайлов кuni **она Ўзбекистонимизнинг** барча ҳудудларида, **Яратганининг инояти билан**, майин кўклам куёшининг чарақлаб тургани ҳам сайловчиларимизга баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ ва улкан ишонч бағишлади. Фуқароларнинг сайловда **фаол ва эркин овоз беришида** муҳим омил бўлди.

Айни пайтда, сайловчиларнинг бу фаоллиги жорий йилда миллий сайлов қонунчилигимизга **халқимиз билан бамаслаҳат** киритилган ўзгаришларга биноан сайлов кунининг қорли-қировли совуқ декабридан **мўътадил октябрь ойига кўчирилиши** ғоят **тўғри иш бўлганлигининг** амалдаги яна бир далолатидир.

Президент сайловини нуфузли халқро ташкилотлар, жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тиллий давлатлар Ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислон Ҳамкорлик ташкилоти каби **йигирмага яқин халқро** ташкилотлардан ва **элликка яқин** хорижий давлатлардан **жами мингга яқин** халқро кузатувчи ҳамда **1 минг 672 нафар** маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг йирик оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бевосита кузатиб ва ёритиб борди.

Халқро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситаларининг бундай кенг қўламли иштироки Ўзбекистонда ўтган **сайловлар тарихидаги рекорд кўрсаткичдир**. Шунингдек, сайловда иштирок этган **бешта сиёсий партиялардан** ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан **64 минг 450 нафар** вакиллар сайловни бевосита кузатиб борди.

Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги **207 та** сайлов участкаларига ўрнатилган **414 та** видеокамералар орқали узатилган онлайн трансляцияни **миллионлаб одамлар** кузатиб борди.

Шунингдек, **минглаб сайлов** участкаларидан журналистлар томонидан теле- ва радио, фото репортажлар, интервьюлар ва хабарлар мунтазам узатиб турилди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар орқали бутун дунёга намойиш қилинди.

Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимларида сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун кенг медиа-майдон яратилди. Уларда юзлаб матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар, учрашувлар ўтказилди.

Тadbirkorларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раҳбарлари, Олий суди раиси, Бош прокурори, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлари, округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Сайлов кампаниясига старт берилган кундан буён хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида **жами 76 мингдан** ортиқ материаллар эълон қилинди.

Ҳурматли матбуот анжумани қатнашчилари!

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури қабул қилингани ва изчиллик билан амалга оширилгани сайловларни қонун талаблари асосида, юксак ташкилий даражада ўтказишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бу йилги Президент сайловининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – бу сайловчиларимизнинг фуқаролик масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотларга дахлдорлик туйғусининг янада ошганлиги билан боғлиқ.

Сайлов Ўзбекистон халқининг юксалиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яна бир бор яққол намойиш этди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сайловчилар рўйхатида киритилган **20 миллион 158 минг 907 нафар** сайловчилардан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда **16 миллион 212 минг 343 нафар** сайловчи иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг **80,4 фоизидан** иборатдир.

421 минг 176 нафар сайловчи жорий йилнинг 14 октябрдан 20 октябргача ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Сайловда консуллик рўйхатида

турган-турмаганлигидан қатъи назар хорижда истиқомат қилаётган **барча ватандошларимиз** учун **37 та** давлатда ташкил этилган **54 та** сайлов участкасида овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларига сайловларда қатнашарди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи **сайлов участкаларининг барчасида сайлов бюллетенлари санаб чиқилди**.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар сайловчиларнинг **қўйидаги миқдордаги овозини олди**:

Ўзбекистон **“Адолат” социал-демократик партиясидан** номзод **Баҳром Абдурахимович Абдуҳалимов – 3,4** фоиз;

Ўзбекистон **Экологик партиясидан** номзод **Нарзулло Наимович Обломуратов – 4,1** фоиз;

Ўзбекистон **“Миллий тикланиш” демократик партиясидан** номзод **Алишер Келдиевич Қодиров – 5,5** фоиз;

Ўзбекистон **Халқ демократик партиясидан** номзод **Мақсуда Азизовна Ворисова – 6,6** фоиз;

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон **Либерал-демократик партиясидан** номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёев – 80,1** фоиз;

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг яримдан кўпининг овозини, яъни **50 фоиздан ортиқ** овоз олган номзод **Президент этиб сайланган**, деб ҳисобланади.

Ушбу маълумотларга таяниб, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон **Либерал-демократик партиясидан** номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёев** сайловчиларнинг энг кўп – **80,1 фоиз овозини олиб**, ишончли ғалаба қозонганини ва **Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганини** мамнуният билан маълум қиламиз.

Марказий сайлов комиссияси номидан **Шавкат Миромоновични бу ёрқин ғалаба билан самимий муборакбод этишга ижозат этгайсизлар!**

Халқнинг ишончини, меҳрини қозониш инсон учун энг олий саодатдир!

Биз **Шавкат Миромоновични энг олий мартаба** ва ана шундай **олий саодатга** мушарраф бўлгани билан чин дилдан яна бир бор қутлаймиз!

Президентликка ўтказилган сайлов бўйича сайловга доир қонунчилик талаблари **қўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмади**. Лекин, Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар ва ижтимоий тармоқлардан сайловларни ўтказиш жараёнига доир ҳолатлар бўйича **муайян мурожаатлар** келиб тушди.

Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган муддат ва тартибларда кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган **баённомалар** ҳамда бошқа ҳужжатларни **қўриб чиқмоқда**.

Марказий сайлов комиссияси фақат шундан сўнг Президент сайлови **яқунлари тўғрисида қарор қабул қилади**.

Сўзимнинг охирида халқимизни тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва реал рақобат муҳитида ўтган **демократик сайловда ўз Лидерини эркин сайлагани билан** яна бир бор табриклар эканман, дунёдаги энг осойишта, энг барқарор ва энг гуркираб ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида тан олинган Янги Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, дейман!

Президент сайловини очик, ошкора ва шаффоф ўтказишда кўрсатган фаоллиги учун барча оммавий ахборот воситалари вакиллари яна бир самимий миннатдорлик билдираман!

Эътиборингиз учун раҳмат!



◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

Барча сайлов участкалари 11 мингга яқин кўчма сайлов қутилари, брайль алифбосидаги сайлов бюллетенлари билан таъминланди, барчасида пандуслар ўрнатилди, сурдо таржимонлар фаолияти йўлга қўйилди.

САЙЛОВДАГИ ДАХЛДОРЛИК — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ!

Феруза УСАРОВА,
сиёсий фанлар номзоди.

— Бугунги сайловдаги

жараёнлардан илҳомланган ҳолда мазкур постни ёзишга аҳд қилдим. Мен ҳам барча юртдошларимиз қатори ўзимнинг фуқаролик бурчимни бажарган ҳолда сайловда иштирок этдим. Сайлов жараёнларини кузатар эканман, мени қуйидаги бир неча ҳолатлар жуда қувонтирди:

биринчидан, эрталабдан маҳалладошларим бир-бирларини чорлаган ҳолда, ҳамма байрамона кайфиятда сайловга йўл олишганининг гувоҳи бўлдим. Мен ҳам улар қатори сайлов участкасига борар эканман, ижтимоий тармоқларда халқимизнинг қизгин муҳокамаларини, сайловга бориб овоз бераётгани, уларнинг келажакка ишончи юқори эканлиги, режалари, орзулари аниқ рўёбга чиқиши борасидаги ижобий муҳокамаларни ўқиб манзилимга ҳам етиб олдим;

иккинчидан, сайлов участкамдаги ташкил этилган муҳит мени қувонтирди. Участкамдаги хорижий кузатувчилар аҳоли билан суҳбатлашиб, ижобий кайфиятидан, самимий фикрларидан, ҳар бир фуқаро ҳолисина, ўзи танлаган

номзодга онгли равишда овоз беришининг гувоҳи бўлишмоқда. Хорижий экспертларнинг муносабати ҳам ижобий, ҳеч бир тартиб-қоида бузилмагани ҳақида фикр билдиришмоқда;

учинчидан, қариялар ва ногиронлиги бор фуқаролар учун ҳамма шароитлар яратилган. Участкамда ёши улғу онахон билан суҳбатлашиб қолдим. Онахон, уйларида сайлов қутчасини олиб келишади, деган имкониятга қарамасадан, “ҳали кучим бор, юра оламан, демак, юртимга хизмат қила оламан”, дея умид билан келганини айтди. Бугун каттага кичик Ватан тақдирига бирдек қайғуруши мени янада қувонтирди;

тўртинчидан, уйга кириб келиб телевизорни ёқар эканман, бу йил маҳбуслар ҳам овоз бериши, улар 8 мингдан ортиқ эканлиги ҳамда уларнинг овоз бериш жараёнларини кўрдим.

Мен сайловда қатнашиб, шу юрт фарзанди эканлигимдан гурурландим ҳамда келажақда Ватаним орзумидаги энг ривожланган давлат бўлишига ишонаман! Бунинг учун менинг ҳам ҳиссам борлигидан фохрланаман!



— 24 октябрь ҳафта давомида ишлаган ҳар бир эркин фуқаро сингари бемалол дам олишим мумкин бўлган кун эди. Бироқ мен ўз фуқаролик бурчимни бажариб, Конституцияда белгиланган ҳуқуқимдан фойдаланишни афзал билдим. Эрта тонгдан фаол ҳамюртларим каби келажагимиз учун, орзу ва мақсадларимни амалга ошириш йўлидаги имкониятлар учун, тараққиёт ҳамда тинчлик учун овоз беришга отландим.

Участкага борганимда у ердаги тумонат одамни кўриб, тўғриси, юрагим алланечук бўлиб кетди. Бу одамларнинг эртасидан умиди бор. Мен ҳам ана шундай фаол ҳамда

— Яқинда 18 ёшга кирдим ва куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловида биринчи марта овоз бердим. Сайловдаги тарғиботлари жараёнида номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишдим. Сайлов участкасига чиқиб, улар орасидан ўзим танлаган муносиб номзод учун овоз бердим.

Сайловда берилган ҳар бир овоз муҳим аҳамиятга эга эканини биламан. Сайлов кунига қадар номзодларнинг дастурларини таҳлил қилдим. Мен қўллаб-қувватлайдиган номзод эртага менинг, яқинларим манфаатини ҳимоя қилиши, юртимизни янада ривожлантириши керак. Демак, сайлов мен каби ёшларга билдирилган юксак ишонч дегани. Мен сайловдаги иштироким билан ана шу ишончни оқлашга ҳаракат қилдим.

Нодира ЖўРАЕВА,
талаба, Избоскан тумани.

бирдам жамиятнинг бир бўлаги эканимдан фохрландим.

Сайлов бюллетенида ўз танловини билдирган ҳар бир фуқаро оқиллик ва донолик билан мамлакатимизни улкан мақсад-режалар сари етаклайдиган, узокни кўра биладиган ва албатта, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган муносиб номзодга ишонч билдирди. Бир нарсани аниқ айта оламан, келажагимиз учун берилган овозлар орасида менинг ҳам ўрним бор, албатта.

Шерзод МАМАЖОНОВ,
инженер-технолог, Бухоро шахри.

САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ҚОНУНИЙ БЎЛДИ

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида 25 октябрь куни ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ сўзлаган нутқ

Ассалому алайкум, ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари!

Бугун Сизлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган сайлов муносабати билан яна бир бор учрашиб турганимдан гоят мамнун эканлигимни билдиришмоқчиман.

Аввало, шунинг билан қайд этиш керакики, кенг жамоатчилик эътироф этганидек, бу галги сайлов **мутлақо янгича руҳда, кўтаринки кайфиятда** ўтди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, **сайлов жараёнлари** умумэътироф этилган халқаро **қоидаларга**, Ўзбекистон Республикаси **Конституциясига** ва **Сайлов кодексига** тўлиқ риоя этилган ҳолда кечди.

Кенг жамоатчилик, хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари сайлов жараёнларининг юқори савияда ўтказилганлигини юксак эътироф этганлиги ҳам барчамизга гурур ва ифтихор бахш этади.

Энди эътиборингизни прокуратура органлари томонидан сайлов жараёнида қонунчиликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг натижаларига қаратмоқчиман!

Кеча айтиб ўтганимдек, сайлов кампаниясининг илк кунлариданоқ, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига **қатъий риоя этилишига**, бу жараёнда **қонунчиликни таъминлашга** қаратилган барча чоралар кўрилди.

Бу сиёсий тадбирда қонун устуворлигини таъминлаш учун **3 мингга яқин** ходимларимиз сафарбар этилди, **172 нафар алоҳида тайёрланган** ходимлардан таркиб топган **Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратуралардаги Штаблар** тизимли равишда иш олиб борди.

Жумладан, сайловга доир маълумотларни мониторинг қилиш ва қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашга қаратилган тадбирлар доирасида **Интернет бүтунжаҳон ахборот тизими ҳамда ижтимоий тармоқларда** эълон қилинган **мингдан ортиқ** хабарлар ўрганилди, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари синчковлик билан қўзатиб борилди.

Халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда **кенг жамоатчилик** билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиб, **маълумотлар узлуксиз алмашиб** борилди.

Марказий сайлов комиссияси ва бошқа мутасадди идоралар билан тезкор мулоқот ўрнатилиб, ўзаро ахборот алмашинуви амалга оширилди.

Шунингдек, прокуратура органларининг барча бўғинларида ташкил этилган **24 соатлик узлуксиз навбатчида 500 га** яқин ходимлар хизмат олиб борди.

Ҳудудлардаги вазият ҳақида реал вақт режимида ахборотлар олиб турилди.

Ҳокимликлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда сайлов жараёнларининг **тартибли, тинч ва осойишта** ўтишини таъминлаш, бунда **жамоат тартибини ва криминоген вазият барқарорлигини** сақлашга қаратилган барча зарур чоралар кўриб борилди.

Барча ҳудудларда **тезкор-тергов гуруҳлари** қўйатирилган режимида, **тўла шайлик ҳолатида, узлуксиз** иш олиб борди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг **тинч ва осойишта ўтиши**, ҳудудларда ва сайлов участкаларида **жамоат тартибига риоя қилиниши таъминланди**.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг сайлов билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқариши, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этишига эришдик, деб қатъий ишонч билан айта оламиз.

Энди, прокуратура органларига келиб тушган мурожаат ва хабарларга **тўхталмоқчиман**.

Куни кеча ўтказган матбуот анжуманимиздан сўнг сайлов иштирокчиларидан қонун бузилиши ҳолати мавжудлигини текшириб кўриш учун **жами 12 та хабар ва мурожаатлар** келиб тушди.

Уларнинг **5 таси Тошкент шахрига, 3 таси Қашқадарё вилоятига, 1 тадани Наманган, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларига** тўғри келади.

Айтиб ўтишим керак, ушбу маълумотларнинг **1 тасини Тошкент шахар округ сайлов комиссияси** тақдим этди, **1 таси** бевосита Штабимиз томонидан Интернет тармоғи мониторинги натижасида аниқланди, қолган **10 таси** фуқароларнинг прокуратура органларидаги **1007 рақамли ишонч телефонига мурожаатлари** ташкил этди.

Бевосита хабар ва мурожаатлар мазмунига тўхталадиган бўлсак:

1. Шаҳар округ сайлов комиссияси тақдим этган маълумот – бу Юнусобод туманидаги **519 - сонли сайлов участкасида** фуқаро **3** нафар оила аъзолари учун ҳам овоз беришга ҳаракат қилган.

Бу ҳаракат участка сайлов комиссияси раиси томонидан зудлик билан тўхтатилиб, ортиқча бюллетенларни сайлов қутчасига ташлашга йўл қўйилмаган ва бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, прокуратурага тақдим этилди.

Округ сайлов комиссияси қарори билан фуқарога ортиқча бюллетен берган **участка сайлов комиссияси аъзоси Кравцова комиссиядан дарҳол четлатилган**, ҳозирда унинг маъмурий жавобгарлик масаласи кўриб чиқишмоқда.

2. Миробод туманидаги **113 - сонли сайлов** участкасида **“Газета.уз”** сайти муҳбири сайлов қутчасини кўздан кечириб, тегинганлиги учун участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари билан юзага келган зиддиятли ҳолат ҳақидаги видеоёзув **Интернет мониторингида** аниқланди.

Ўрганиш жараёнида бу иккала томон ўзаро ярашиб, тушунмовчиликни бартараф этган, ҳозирда ўрганиш ишлари давом этмоқда.

3. Фуқаролардан Бош прокуратуранинг **1007** ишонч телефонига келиб тушган қолган **10 та** мурожаат асосан, сайловга тақлифнома берилмаганлиги, кўча сайлов қутиси кечикаётганлиги, исми-шарифи бошқа сайлов участкасида қайд этилганлиги каби техник масалаларга доир бўлиб, жойида тўлиқ бартараф этилди.

Масалан, Қашқадарё вилояти Нишон туманидан фуқаро **Хуррамов** соат **16-50**да мурожаат қилиб, ногиронлиги, кўча сайлов қутиси кечикаётганлигини билдирди.

Шунингдек, кеча соат **16-00**дан сўнг Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан **Худойбердиев**, Ғузор туманидан **Ражабов**, Наманган вилояти Янгикўрган туманидан **Солиева**, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидан **Рўзимов** сайловга тақлифнома берилмаганини кўрсатиб ўтдилар.

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидан **Алимова**, Олмазор туманидан **Холдоров**, Тошкент вилояти Нурафшон шахридан **Ҳакимов** рўйхатдан ўтган сайлов участкасида қайд этилганини кўрсатиб, ўзлари борган сайлов участкадан овоз беришда амалий ёрдам сўради.

Албатта, ушбу мурожаатлар тезкор кўриб чиқилиб, барча масалалар жойида ҳал этилди. Фуқароларимизнинг сайловда иштирок этолмаи қўлишидан хавотирга тушиб, мурожаат этганлиги ҳам уларнинг ушбу сиёсий жараёнга бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Шу ўринда, бундай фуқароларимизга ҳам

сиёсий фаоллиги учун **алоҳида миннатдорчилик билдирамиз!**

Таъкидламоқчиманки, хорижий кузатувчилар, партия вакиллари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларидан **ҳам эътирозлар келиб тушмади**.

Ҳозирга қадар ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, сайлов жараёнида жиддий қонун бузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланмади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, таҳлилларимиз, назорат тадбирлари, кузатув ва мониторингларимиздан келиб чиқиб, **сайловда қонунчилик тўлақонли таъминланди**, деб ҳисоблашга барча асосларимиз бор.

Албатта, сайловда қонунчилик юқори даражада таъминланишига бир қатор омиллар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Энг аввало, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигининг тубдан такомиллаштирилгани, фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишининг барча ҳуқуқий имкониятлари яратилгани алоҳида эътироф этиш жоиз.

Илгари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар бир нечта қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинган бўлса, 2019 йилда **Сайлов кодекси** қабул қилиниб, барча ҳуқуқий нормалар ягона тизимга келтирилди.

Умуман олганда, ушбу сайлов янги Сайлов кодексининг Президент сайловига оид нормаларини, том маънода, синовдан ўтказди, десак муболаға бўлмайди.

Энг асосийси, қонунчиликдаги ўзгаришлар билан барча қатламдаги фуқароларга сайлов жараёнларида иштирок этишнинг тенг имкониятлари яратилди.

Иккинчидан, ахши биласиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан, энг аввало, **инсон қадр**, **ҳуқуқ** ва **эркинликларини** амалда рўёбга чиқаришдек гоят улғу мақсадлар кўзланган.

Жорий сайловда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди, десак адашмаган бўламиз. Биргина, жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун яратилган шароитларни алоҳида қайд этиш ўринли.

Жумладан, барча сайлов участкалари **11 мингга яқин кўчма сайлов қутилари**, **брайль алифбосидаги сайлов бюллетенлари** билан таъминланди, барчасида **пандуслар** ўрнатилди, **сурдо таржимонлар** фаолияти йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида имконияти чекланган фуқароларнинг ҳам овоз бериши амалда рўёбга чиқарилди.

Ёки, қонунчиликдаги ўзгаришларга кўра, **ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган** жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган шахсларга ҳам сайлаш ҳуқуқи яратиб берилди.

Натижада, бу тоифадаги қарийб **9 минг** нафар маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта иштирок этишди.

Яна бир масала. Қонун талабларига кўра, сайловларда иштирок этишга фақатгина мамлакат фуқароларигина ҳақидирлар.

Сўнгги 5 йилдаги инсонпарварлик сиёсати натижасида **22 мингдан** ортиқ шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганлиги ушбу фуқароларга йиллар давомида амалга ошира олмаган сиёсий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини берди.

Хориждаги ватандошларимизга ҳам сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун барча зарур шароитлар яратиб берилди.

40 га яқин давлатда **50 дан** ортиқ сайлов участкалари ташкил этилиб, уларда хорижда яшаётган фуқароларимиз ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишди.

Учинчидан, бугун тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда амалга оширилган халқпарвар ислохотлар натижасида **фуқароларимизнинг ислохотларга дахлдорлик ҳисси**, асосийси **сиёсий фаоллиги** кескин ошди.

Бундай фаоллик сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат - нотижорат ташкилотларда ҳам кузатилмоқда.

Сайлов участкаларида, ҳатто хорижий давлатлардаги участкаларда ҳам сайловчиларнинг **узок навбатлари юзага келганлиги** фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишдаги қатъиятдан далолатдир.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг **80 фоизидан** ортиғи сайловларда қатнашганлиги ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Тўртинчидан, сайлов жараёнларида **очиқлик ва шаффофликнинг** тўла-тўқис таъминланганлиги, сиёсий тадбирнинг **кучли жамоатчилик назорати** остида ўтганлигини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

Маълумотларга кўра, сайловни жами **мингга яқин халқаро кузатувчилар**, жумладан **20 га** яқин халқаро ташкилотдан **631 нафар**, **50 га** яқин давлатдан келган **340 нафар** халқаро кузатувчилар бевосита қўзатиб борганлиги эса, очиқлик ва шаффофликнинг ёрқин намунасидаир.

Барча сайлов участкалари кузатув камералари билан таъминланганлиги, сайлов жараёнларини **1.600 дан** ортиқ **маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари** жонли тарзда ёритганлиги ҳам ўзининг самарасини берди.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда **Медиа макон вакилларининг фаолашуви**, **жамоатчилик назоратининг кучайганлиги** қонунчиликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Бешинчидан, Марказий сайлов комиссияси, ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан сайловга юқори даражада ташкилий тайёргарлик кўрилгани, барча партияларга соғлом рақобат учун тенг имкониятлар яратилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сайлов участкаларида ҳам сайловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Айниқса, **коронавирус пандемияси таҳдиди** давом этаётган бир шароитда сайлов участкалари санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилиниши таъминлаш чоралари кўрилди.

Бунга фуқаролик ҳуқуқимизни амалга ошириш жараёнида барчамиз гувоҳ бўлдик.

Олтинчидан, сайлов жараёнларида қонунчиликни таъминлашда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда криминоген вазият барқарорлигини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўрилган тизимли чоралар ҳам ўзининг самарасини кўрсатди.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Фурсатдан фойдаланиб, сайлов жараёнларида қонунчиликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида биз билан яқин ҳамкорлик қилган, ўзларининг соғлом ва ҳолис фикр-мулоҳазалари билан қўмақлашган барча фаолларга, жумладан, халқаро кузатувчи меҳмонларимизга, журналист ва блогерларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

27-oktyabr, chorshanba
№43 (32685)

– Айтингчи, бугунги газеталар, босма нашрлар савияси, даражаси ҳақида нима дея оласиз? Улар замон ва ўқувчи талабларига қанчалик жавоб бера олапти?

– Жамиятнинг маърифий даражаси кейинги йилларда сезиларли ошмоқда. Очiq жамият қуриш, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашиши, ошкораликнинг ва демократиянинг турмушимизга сезиларли даражада кириб бориши, фуқароларнинг онги ва қалбида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини кўрсатади. Улар жараёнларга бефарқ эмас. Ўз муносабатини билдириш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Демак, миллат уйғонмоқда, тафаккур уйғонмоқда. Бу ғоят ижобий жараён.

Газета – ҳаёт кўзгуси, деган гап бор. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, газеталаримиз бугунги янгилинишлар жараёнини газетангилар маънавий эҳтиёжи нуқтаи назаридан қай даражада ёритаётгани, улар қалбига қай даражада кириб бораётгани жиддий муаммо. Албатта, бу борада хусусий газеталарнинг йўриғи бошқа. Расмий ва йирик республика ташкилотлари ва муассасаларининг нашрлари ҳақида гап борганда жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. Ҳамма “катта” газеталаримизнинг савияси, мундарижаси, жараёнларга муносабати юқори дейишимиз қийин. Бу Бош муҳаррирларнинг маҳорати, дунёқараши, воқеаларга муносабат билдира олиш қудрати ва масъулияти билан боғлиқ.

Масаланинг яна бир жиҳати, ҳар бир таҳририят ўзига хос ижодий макон. Ана шу макон қанчалик соғлом, ташаббускор, янгилчиларга ўч, теша тегмаган гапларни айта олиш ва ҳоказолардан иборат жўшқин ва самимий ижодий муҳит билан ҳам боғлиқ. Шу жамиятнинг битта аъзоси сифатида мен кўпроқ “Хуррият”, “Миллий тикланиш”, “Маърифат”, “Ўзбекистон овози” газеталарини маъқул кўраман. Уларда мавзунинг долзарблиги, сарлавҳа танлаш санъати, газетхон қалбига йўл топа олиш маҳорати анча юқори. Газетани безаш, замонавий дизайн имкониятлардан фойдаланиш борасида ҳам газетачилик техникасини юқори даражада ташкил эта олган нашрлар дейиш мумкин. Уларнинг ўз ўқувчилари бор. Бироқ айрим газеталар ҳақида гапириш анча қийин. Баъзан одам ҳижолатда ҳам қолади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, сарлавҳа танлаш алоҳида санъат. Бу журналистдан катта маҳоратни талаб қилади. Айрим номдор газеталаримиз сарлавҳаларини ўқиб одам таажжубга тушади. У узундан узок гапдан иборат. Ваҳоланки, сарлавҳа қисқа, икки-уч сўздан иборат бўлган ва мақоланинг бутун моҳиятини ўзида ифода этган яхлит ва тўғал асар. У ўқувчини ўзига жалб этиши, унинг қалбини жунбушга келтириши керак. Ўқувчи сарлавҳага қараб мақолани танлайди. Сарлавҳа ҳеч қачон изоҳ

Рақобат ғояда, тафаккурда, ақл пойгасида бўлиши керак.

БУГУНГИ ШИДДАТЛИ ДАВРДА АХБОРОТ ОҚИМИ БИЗНИ ҚУРШАБ ОЛГАН. УЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ, ТЕЛЕ-РАДИОКАНАЛЛАР ВА ЁКИ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ КУЗАТИБ БОРАМИЗ. ХЎШ, БУГУН АХБОРОТ УЛАШИШ, МАЪНАВИЯТ ТАРҚАТИШ РАҚОБАТИДА БОСМА НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҚАНДАЙ? УЛАРНИНГ ДАВРИЙЛИК ЖИҲАТИ ШИДДАТ БИЛАН ЎТАЁТГАН ҲАЁТ ТАЛАБЛАРИГА ҚАНЧАЛИК МОС КЕЛАДИ? ШУ ВА БОШҚА САВОЛЛАР БИЛАН ЖУРНАЛИСТ ВА ПУБЛИЦИСТ, СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР НАРЗУЛЛА ЖЎРАЕВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК.

ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ МАЪРИФАТИ

бермаслиги, маълум бир фикрни тушунтирмаслиги лозим.

Газеталар савияси журналист маҳорати, ижодий жамоадаги муҳит, кайфият ва, албатта, билим билан боғлиқ. Бир пайтлар улкан давлат ва сиёсат арбоби, йирик ёзувчи ва атоқли журналист Шароф Рашидов журналист касби ва унинг вазифаси ҳақида гапирар экан, “Журналист – сиёсат ва жамоат арбоби. У муаммолар моҳиятини тушуниш жиҳатидан олим, одамлар қалбига йўл топа олиш жиҳатидан санъаткордир”, деган эди. Дарҳақиқат, журналист касб нуқтаи назаридан жамиятнинг кайфиятини шакллантирадиган, уни маълум бир мақсадга сафарбар эта оладиган, жамият барқарорлигига ёки бекарорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсата оладиган, уни йўналтира оладиган имкониятлари, сиёсий жараёнларга фаол иштироки жиҳатидан сиёсат вакили, жамоат арбобидир. Билимлар савиясини эгаллаш эса, касб талаби, тақдир тақозоси. Савияси паст журналистдан фақат ғийбатчи чиқиши мумкин, холос. Ҳар қандай журналист хоҳлаган мавзуда, хоҳлаган соҳада ўша соҳанинг ўртанча мутахассиси даражасида фикрлай олмағи керак. Муаммолар моҳиятини чуқур англаши, таҳлил қила олиши лозим. Бунга эришмаса бўлмайди. Бу эса билимни, ўз устида кўнт билан ишлашни тақозо этади. Бу энди олим дегани. Ҳар қандай фикрни жозибали қилиб, тилимизнинг ғоятда кенг имкониятларидан унумли фойдаланиб, ўтли, эхтиросли қилиб ифодалаш учун эса сўз санъатини, сўз устида ишлаш ва сўзни чуқур ҳис қилиш қобилиятини ривожлантириш даркор. Ана шунда санъаткор каби одамлар қалбини жунбушга келтириш, улар онгини эгаллаш ва катта таассурот қолдириш мумкин бўлади. Газеталарнинг савияси ана шундай изчиллигини, ўз устида кўнт билан ишлашни, билимдонлик ва санъаткорлик маҳоратига эга бўлишни тақозо этадиган ҳодиса.

– **Сизнингча, босма оммавий ахборот воситалари электрон ахборот воситалари билан рақобатда қандай йўл тутishi керак?**

– Замонавий цивилизация шароитида ахборот тарқатишнинг тезкор, ҳозиржавоб усуллари ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Қўлимиздаги мобил телефонни орқали маълум бир ахборотни лаҳзадаёқ Ер шарининг ҳоҳлаган нуқтасига етказиш имконияти мавжуд. Электрон ахборот воситалари

замонавий тарғиботнинг муҳим, самарали ва ҳозиржавоб механизмларидан бирига айланди. Биз ундан унумли фойдаланмоғимиз керак. Воз кечиш ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас.

Босма оммавий ахборот воситалари, баъзан назаримизда ибтидоий ҳодиса, қолоқлик белгиси бўлиб кўринади. Аниқроғи, кимларгадир шундай туюлапти. Бироқ, босма нашрлар ҳаёт эҳтиёжи эканлигини тушунишимиз, алоҳида эътибор ва эҳтиром билан қарашимиз лозим. Мониторда ўқиш билан матн устида ишлашнинг фарқи бор. Бу одамга қатъиятликни, чуқур мушоҳада юритиш, ақлни ишла-тиш, фикрлаш ва ниҳоят асосли хулосага келиш кўникмасини шакллантиради. Иккинчидан, газета-журналларнинг қайсидир даражада файзли жиҳатлари бор. Бунини ҳам унутмаслигимиз керак.

Электрон ахборот воситалари билан босма нашрлар ўртасидаги рақобатда икковининг ҳам ўз ўрнида зарурлигини ҳисобга олмағимиз керак. Улар ҳеч қачон бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Рақобат ғояда, тафаккурда, ақл пойгасида бўлиши керак. Бу пойгада эса босма нашрларнинг имконияти катта. У одамни чуқурроқ ўйлашга, фикр юритишга қақиради.

– **Газетани жамиятнинг зиёли қатламлари кўпроқ ўқийдигандек, назаримизда. Матбуотнинг бу даражага тушиб қолиши сабаблари ҳақида фикрингиз қандай?**

– Газета – фақат зиёлилар учун эмас, ҳамма учун! Албатта, зиёлиларнинг аксарияти матнни қўлга ушлаб, чуқур идорқ қилиб ўқиши табиий. Газета ҳар бир хонадонда бўлиши керак. Шунга интилишимиз лозим. Назаримизда обуна усулидан маълум мuddат фойдаланмоғимиз керак. Лекин газета пулга арзизи зарур.

Талабалик йилларимни эсламан. Бу 70-йилларнинг биринчи ярмига тўғри келади. Ўша пайтда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимовлар адабиётга шиддат билан кириб келган, иккинчи-учинчи китобларини чиқарган ва ўша пайтдаёқ таниқли ижодкорларга айланган эдилар. Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони” китоби 35 минг нусхада босилган. У 4 ойда сотилиб бўлинган. Нашриёт яна иккинчи марта 35 минг нусхада чоп этган. Бир йилда 70 минг нусха китоб ўқувчилар қўлига етган. Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси 60 минг нусхада босилган. У ҳам тез орада сотилган. Иккинчи марта нашр этилган. Демак, бир йилда 120 минг нусха китоб хонадонларга кириб борган. Аҳоли сони эса ўша пайтда 12-13 миллион нафарни ташкил этар эди.

Орадан вақт ўтиб, 80-йилларнинг иккинчи ярмида “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида ишлаганман. Ўша пайтда ушбу газета бир миллион нусхада чоп этиларди. Адади жиҳатидан иттифоқда “Правда” газетасидан кейин 2-ўринда турарди. “Гулистон”, “Муштум”, “Шарқ юлдузи”, “Саодат” журналлари 500–600 минг нусхада, болалар нашрлари – “Гулхан”, “Ғунча” журналлари эса бир миллион, бир миллион 200 минг нусхадан чоп этилар эди. Аҳоли сони эса ўша пайтда 17-18 миллион нафарни ташкил этар эди.

Одамлар газета ўқишар эди, журнал вақарлашарди.

Тошкентдаги мавжуд автобус бекатларининг ҳаммасида газета дўконлари бўлар эди. Улар ҳозир-ғидай “шара-барачи” эмас, чинакам маърифат тарқатувчи жозибадор гўша эди. Уруш йиллари одамлар нонга қандай навбатда туришган бўлишса, эрталаб соат 6 дан 9 гача газета-журналларга ана шундай навбатда туришар эди. Ҳеч ким битта газета олмас эди. 3-4 газета, 1-2 журнал олишар эди. Оммавий газетхонлик, оммавий саводхонлик ҳайратланарли даражада эди.

Вақт ўтиб тушунарсиз вазият юзга келди. Одамлар руҳияти, маънавий эҳтиёжи кескин ўзгарди. Фақат яшаш иштиёқи кучайди. Маънавиятдан моддият устун келди. Натижада, газетхонлик кўникмалари аянчли даражада сўнди. Энг машҳур адибларимизнинг китоблари уч минг нусха босиладиган бўлди. Аҳоли сони эса икки бараварга ошди. Бу жуда оғир муаммо.

Бир воқеа эсимга тушди. Атоқли шоиримиз, элимизнинг суюкли адиби Эркин Воҳидов умрининг сўнгги давларида оғир касалликка чалинди. Устозни зиёрат қилгани уйларига бордим. Ўша таниш, бежирим, ғоятда файзли ва салобатли хонада хомушгина ўтирибдилар. Бир пас гаплашиб ўтирдим. Чехралари очилмапти, хомуш ва мискин. Ўзимдан ҳижолат бўлдим. “Ака, чарчатиб қўймадимми, мен кета қолай”, дедим. Паст овоз билан “Йўқ, Нарзуллабек, ўтиринг, ҳижолат бўлманг”, дедилар. Гаплашиб ўтирибмиз-у, гапимиз қовушмаяпти. “Ака, чарчагансиз шекилли. Келинг, жойингизга ётқизиб қўяй, кейин кетаман”, дедим. Қўллари билан ишора қилиб ўтиринг, дегандай бўлдилар. “Нарзуллабек, янги китобим қикди”, дедилар ва секин бурилиб китоб олдилар. Қўллари титраб-титраб ҳар галгидек дастхат ёздилар. Китоб билан табрикладим. Ҳали бундай китобларнинг кўпини ёзишларини тиладим. Шунда кўнгилларини очилди. Изирибларини тўқа бошладилар. “Нарзуллабек, менинг одамларга керагим қолмапти, уларнинг назаридан қолибман”, дедилар. “Унақа деманг, ака, сиз элимизнинг фахрисиз, адабиётимизнинг юлдузи, одамларнинг ҳурматидасиз”, дейишим билан оғир хўрсиниб “Китобим минг донга чиқадиغان шоир бўлиб қолибман”, дедилар. Яна хўрсиниб гап бошладилар: “Олдинги кунини нашриёт директори телефон қилиб китобим қикганини, ходими билан менга тегишлисини юборишини айтди. Гапининг охирида “Эркин ака, шу китобнинг сотилишига ёрдам берсангиз”, деди.

Эркин аканинг аҳволини шунда тушундим. Директор ўша андишасиз гапи билан улуг шоир бошига гурзи билан урган, ўта нозик қалбини чилпарчин қилган эди. У кимга, қандай қилиб китобимни сотиб ол, дейди. Ўта андишали инсонга бундай муносабат ҳақорат эди. Минг донга китобнинг сотилиши муаммога айлангани аслида бизнинг бефарқлигимиз эмасми?

Албатта, шу лаҳзада талабалик йилларим, “Ёшлик девони” китоби, унинг атрофидаги шов-шувлар ва 70 минг нусхада чоп этилгани гавдаланди. Буюк шоир оғир изтиробда эди. Биз китоб ўқимаёй қўйдик. Газета-журнал вақарламай туриб, улуг шоирни хўрлаган, хорлаган бўлдик. Афсуски, бунини ё пайқа-

маймиз, ёки фаросатимиз етмайди, балки билиб туриб тан олмаймиз.

Газеталаримиз адади кескин тушиб кетди. Таҳририятлар инкирозга учрамоқда. Ҳомийлар, вақтинчалик ёрдам қўлини чўзганлар тўфайлигина айрим нашрлар кун кўрмоқда. Шу йилнинг бошларида давримизнинг забардаст, энг юқори бадий савиядаги журналимиз “Жаҳон адабиёти” таҳририятига бордим. Таниқли публицист, матбуотимизнинг яловбардорларидан бири, устоз Аҳмаджон Мелибоевнинг қабулларида бўлдим. Албатта, куруқ бормаган эдим. Битта мақола билан бордим.

Аҳмаджон аканинг изтиробини Эркин аканикидан кам эмасди. Бу одамнинг ўша лаҳзадаги руҳий ҳолатини, оғир кайфиятини ҳеч қачон унутмайман. Катта дард билан “Журналимиз 300 донга чиқапти”, дедилар. Жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этаётган ушбу журнал аянчли аҳволга тушиб қолган экан. Орадан бир ойлар ўтиб устозни учратдим. “Журналимиз минг донга чиқадиغان бўлди”, дедилар, бироз қониқиш билан. “Шарқ юлдузи” журналининг аҳволи эса ундан ҳам аянчли. Бош муҳаррир эзгин, ҳорғин кайфиятда. Ўзини айбдордай ҳис қилаяпти.

Бироқ кўп ўтмай давлатимиз раҳбари топириғи билан ҳар икки нашр 10 минг нусхада босиладиган, барча умумтаълим мактабларига тарқатиладиган бўлибди. Бунини катта маърифий сиёсат дейиш мумкин.

Агар биз газета-журналларимизнинг тўғридан-тўғри хонадонларга етиб боришини таъминласак, унинг ташкилий ва молиявий жиҳатларини ҳал этсак, жамиятнинг маърифатлилик даражаси кескин ошган бўларди. Ҳафтада 1-2 газета бир оилага мунтазам кириб борса, шу хонадонда ўқишни билган одам борки, уни вақарлайди. Қайсидир жойини ўқийди. Бу жараён давом этаверса, 2-3 йилдан кейин фуқароларда газетхонлик кўникмаси шаклланиб, у эҳтиёжга айланиб, ўз-ўзидан обуна деган муаммо йўқолиб боради. Газетга ўрганиб қолган хонадон ўзи обуна бўлишга эҳтиёж сезади. Биз қанчалик қийин бўлмасин, қайсидир меъёрларга тўғри келмасин одамларни журнал вақарлашга, китоб ўқишга ўргатишимиз керак. Бундан бошқа йўл йўқ. Бунда йирик корхоналар, катта-катта тадбиркорлар, илғор фермерлар ўз худудларидаги, маҳалла ва қишлоқларидаги фуқаролар номига обунани йўлга қўйиш каби саховатпешалардан фойдаланишимиз керакдир, балки.

Муаммодан келиб чиқиб, бир воқеани эслайман. Президентимиз Шавкат Мирзиёев хали Президент этиб сайланмаган, вақтинчалик Президент вазифасини бажариб турган бир пайтда китобхонлик масаласини кўтарди. Бу бежиз эмас эди. Чунки 13 йилдан ортиқ мамлакат Бош вазир бўлиб ишлаган пайтда у бормаган қишлоқ, қирмаган маҳалла қолмаган эди. Жамиятнинг маърифий даражасини жуда яхши ўрганган эди. Ислохотлар самарадорлигини ошириш учун маърифат зарурлигини энг катта муаммо сифатида тушунар эди. Давлат мамлакатни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқаверадди, парламент унинг ижросига доир ҳуқуқий асосларини яратаверади, ижро ҳокимияти уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўраверади. Бироқ ушбу буюк мақсадларни амалга оширадиган қудратли куч, ишончли таянч халқ. Халқ маърифатли бўлмаса, ислохотлар моҳиятини тўлиқ тушунамаса, давлатнинг тараққиёт стратегиясида ўзининг тақдирини, оиласи истиқболини, фарзандларининг бахтли-саодатли келажагини кўрмаса, уни амалга ошириш қийин бўлади. Бунини Президент жуда яхши тушуниб олган эди. Натижада энг кўп китоб ўқиган ёшларга машина совға қилишгача борди. Мақсад — жамиятнинг ялпи маърифатлилик даражасини оширишдир.

Аҳолида газетхонлик, ялпи китобхонлик кўникмасини шакллантирмай туриб, жамиятнинг тубдан маърифатли қилиш қийинчилиги қолаверади. Демак, вақтинчалик обунанинг самарали усулларидан фойдаланмоғимиз керак. Бунда, албатта, молиявий жиҳатдан мустақкам ташкилотлар, муассасалар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа ҳомийлар имкониятидан фойдаланиш мумкин.

“Ўзбекистон овози” муҳбири Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ сўхбатлашди.

“Агар биз газета-журналларимизнинг тўғридан-тўғри хонадонларга етиб боришини таъминласак, унинг ташкилий ва молиявий жиҳатларини ҳал этсак, жамиятнинг маърифатлилик даражаси кескин ошган бўларди.

27-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№43 (32685)Химоя институтини янада
мустаҳкамлаш зарур.АДВОКАТЛИК
ОСОНИМИ?

АДВОКАТУРА
ИНСТИТУТИНИ ИСЛОХ
ҚИЛИШ НАТИЖАСИДА
1996 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДА
РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАРИХИДА
ИЛК БОР "АДВОКАТУРА
ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ ВА БУ
СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР
ДАВОМ ЭТТИРИЛИБ,
1998 ЙИЛ 25 ДЕКАБРДА
АДВОКАТУРА БИЛАН
ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА
СОЛУВЧИ "АДВОКАТЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ ВА
АДВОКАТЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ ХИМОЯСИ
ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ
ҚИЛИНДИ.

Адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми тариқасида 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 13 майдаги "Адвокатура институтини самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мазкур институтнинг мақомини оширишда янги босқични бошлаб берди.

Ушбу институтнинг янада такомиллаштирилганлигини Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Адвокатлик институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКси "Гувоҳнинг адвокати" институтини тартибга солувчи 66-модда, МЖТК эса "Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш" институтини белгилловчи янги 197-модда билан тўлдирилди. Жиноят-ижроия кодексининг "Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш" институтини тартибга солувчи 10-моддаси эса янги тахрирда берилди ҳамда процессда айблов ва химоя тарафлари-

нинг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга, суд ишларини юриштининг ҳар қандай инстанциясида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини амалга оширишга оид жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқий вориси сифатида, ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси адвокатларнинг ҳуқуқни химоя қилиш тизимидаги бирлигини таъминловчи кучли ташкилот бўлган ва барча адвокатларни ўзида бирлаштира олмаган эди. Негатив, республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг атиги 50 фоизи ассоциацияга аъзо бўлган, холос. Бу ҳолат эса ўз навбатида кучли адвокатура фаолиятини таъминлай олмаган.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 4 минг нафарга яқин адвокат бор. Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда 8250 нафар фуқарога 1 нафар адвокат тўғри келапти.

Келажакда, яъни 2025 йил 1 январдан судьяликка номзодларга қўйиладиган мажбурий талаблардан бири – адвокат сифатида икки

йилдан кам бўлмаган иш стажининг мавжуд бўлиши кераклиги тақдир киритилган.

Мурожаатлар таҳлили шунини кўрсатаптики, адвокатга ишонч билдирувчи шахслар сони ортиб борапти. Бунинг сабаби шундаки, илгари фуқаролар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун турли суд-ҳуқуқ тизими идораларига ўзлари мурожаат қилиб, жуда кўп вақти ва асабини кетказган. Энди одамлар адвокатга мурожаат қилиш лозимлигини биларди. Давлат айбловчи билан адвокат тенглиги амалда таъминланганлиги натижасида аксарият фуқароларимизга ўз вақтида сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатилмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида қайд этилганидек, гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг негизлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиши ёхуд хабар бериши инсон ҳуқуқларининг химояси амалда таъминланаётганлигидан далолат беради. Айнан мазкур қоидаларга риоя қилмаслиқнинг ўзи ҳам суриштирувчи ва терговчининг қарорини ноқонуний, деб топишга асос бўлади. Бу эса инсон ҳуқуқларини химоя қилишда ўзига хос механизм яратилганлигига мисолдир.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиши, жумладан, адвокатлик тузилмасида камда уч ой муддат стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини ижобий топширган бўлиши лозим.

Шунингдек, шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими, ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

Гуруч курмакисиз бўлмагани каби барча соҳаларда ҳам ўз ишига виждонан ёндашмайдиганлар учраб туради. Аммо, бу билан бутун бир бошли химоя тизимини айблаб бўлмайди. Ишонч билдирувчи ёки

гумонланувчи адвокатга барча ҳолатни очиқ-ойдин айтиб бериши керак. Чунки, бу адвокатнинг позиция танлаши аксарият ҳолларда жиноят ишига тегишли ва шу йўл орқали химоя остидаги шахснинг ҳуқуқларини асосли химоя қилиши у олган ахборотга боғлиқ. Тушунмовчиликлар келгусида адвокат билан химоя остидаги шахслар ўртасида зиддият пайдо бўлишига олиб келади.

Яна бир эътиборли ҳолат шундаки, адвокат билан ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузиладиган битим ҳам қонуний ва пухта бўлиши керак. Ундаги бандлар ва талаблар ҳар икки томон манфаатларига пурт етказмайдиган даражада тузилиши лозим. Ҳар қандай вазиятда ҳам адвокат ишонч билдирувчи ёки химоя остидаги шахсга ишонинг натижаси тўғрисида олдиндан кафолат бериши мумкин эмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Гумонланувчи ёки айбланувчи ўз вақтида адвокат билан таъминланса, баъзи номаъқул ҳаракатларнинг олди олинади. Тан оламизми, йўқми, кўпчилик яхши билади, адвокатлар ҳозирча чинакам химоячиларга айланганича йўқ. Шу маънода, адвокатура институтини нуфузини ошириш – долзарб масала.

Шахснинг адвокат билан таъминланмаслиги айрим жиноят қидирув ва суриштирув бўлими ходимларига қўл келади. Гумонланувчи ва айбланувчининг айбини оғирлаштиришга олиб келади, адолатсизлик бўлади, норозиликлар кўпаяди, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро, хоҳ у ички ишлар ходимиди, прокурор, судья ёки адвокат бўладими қонунни ҳурмат қилиши лозим. Қонун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчида химоя ҳуқуқни таъминлашни берибдими, демак, бу талабни ҳар ким бажариши лозим.

Химоя институтини янада мустаҳкамлаш зарур. Турли ташкилотлару айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан тинкмас қуриб адолат йўқлигига кўнишга мажбур бўлган фуқарога фақатгина адвокат малакали ёрдам бера олиши мумкин.

Бунинг учун эса адвокатнинг

РАҚАМ

АҚШда ҳар **256**
нафар, Италияда

260 нафар,

Германияда

500 нафар,

Озарбойжонда

667 нафар,

Голландияда **900**

нафар, Францияда

1403 нафар,

Қозоғистонда

4000 нафар

фуқарога **1**

адвокат тўғри

келади.

қонун доирасидаги имкониятларини кенгайтириш ва адвокатнинг асосли ҳамда аниқ далиллари суд томонидан чуқур ўрганиб чиқирилиши лозим. Судларда қонун устуворлиги таъминланиши лозим, қонун устувор бўлган жойда адолат тантана қила олади.

Шунингдек, томонларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш лозим ва бунинг учун Жиноят процессуал қонунлардаги айрим нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак, деб ҳисоблайман. Шундагина ҳар қандай адвокат ишонч билдирувчининг чинакам химоячиси айлана олади ва химоясидаги миқдорига тўлақонли ҳамда ишончли ёрдам кўрсата олади.

Баҳром АХРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети ва Тошкент
давлат юридик университети
ихтисослашган филиали
профессори.

online
ХИЗМАТЛАР

Бугунги кунда **www.uz** доменида онлайн тартибда адвокат ёллаш, муайян ҳужжатларга буюртма қилиш хизматларини тақлиф этадиган 10-дан ортиқ сайтлар, телеграм ботлар мавжуд. Хусусан, **yuridik.uz** сайтида 100-дан ортиқ адвокатлар бўлиб, уларнинг рейтинглари ҳам келтирилган. Мижоз ўзига мос адвокатни масофадан туриб ёллаши мумкин. Шунга қарамай, бу хизмат бизда ҳали ривожланаётган, кенг тарқалмаган хизмат тури ҳисобланади.

Саҳифани Равшан ШОДИЕВ тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Биринчи ўзбек адвокати таниқли маърифатпарвар жадид Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев (1878–1937) ҳисобланади. У 1908–1912 йилларда Россиянинг Саратов шаҳридаги ҳуқуқшунослик институтида ўқиди. Талабалик йилларидаёқ давр муаммоларини ечишни ўйларди. 1909 йилда рус ёзувчиси Лев Толстой билан ёзишмалар амалга оширди.

Ўқини тугатгач, дастлаб Саратов, 1913 йилдан Тошкент округ судида хусусий адвокат бўлиб ишлади. Чор Россияси ҳукумати таъмириларининг порахўрлиги ва золимлигини фош этиб, айримларини давлат ишидан четлатишга эришди. Жадидчилик ҳаракатида қўшилиб, тез орада унинг йирик вакилларида бирига айланди.

Биринчи ўзбек адвокати 1937 йили қизил террор вақтида тройка ҳулосаси билан отувга ҳукм қилинган, қабри номаълум.



АДАБИЁТ ВА АДВОКАТ

Адвокатура – замонавий ўзбек адабиётининг энг сеvimли мавзуларидан бири. Дастлаб Абдулла Авлоний 1914 йили "Адвокатлик осону?" номли бир пардали комедия ёзиб, мавзунини бошлаб берган. Асар Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида сахналаштирилган.

Спектаклдаги бош мазмун инсонларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги, илми, хат-саводи йўқлиги сабабли ўз ҳуқуқини ҳақанглай олмаслиги жамият иллати сифатида юморга олинади. Асл қиёнат эса, жамиятнинг ҳуқуқий онги, илм-маърифати борасида янгича шуур, янгича маърифат нурлари ила инсонлар ҳаётини беэмоқликка ҳаракат қилишдан иборат.

ФАКТ

2019 йилда судланган шахсларнинг **74** фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган **616** нафар фуқаро афв этилган, **719** нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Бунда адвокатларнинг сайи-ҳаракатлари ва ишончли асос-исботлар билан судда фаол иштирок этганлари муҳим роль ўйнаган.

27-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№43 (32685)

Кузнинг иккинчи ойи ҳам якунланиб бормоқда. Ҳадемай қиш ҳам бошланади. Совуқ кунлар табиий равишда аҳолининг электр энергияси, газга бўлган талабини оширади. Хўш, куз-қиш мавсумига юртимизда тайёргарлик қандай? Айниқса, ҳудудларда бу борада нима ишлар амалга оширилмоқда? Биз шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалида бўлдик.



ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА



Маълумки, кундалик ҳаётимизда табиий газга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Мана шундай эҳтиёжлар, қолаверса, жойларда муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш мақсадида «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти ташкил этилиб, ушбу ташкилот зиммасига газ тақсимлаш тармоқларини ва тегишли ўсқуналарни хавфсиз эксплуатация қилиш, суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш ишларини бажариш каби қатор вазифалар юклатилган. Ана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалида ҳам қўллаб-қўллаб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, ўтган бир ярим йил давомида филиал томонидан вилоятда табиий газ таъминотини яхшилаш бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

— Масалан, Самарқанд шаҳрининг "Хўжақишлоқ" маҳалласидаги 10-сонли ГТҚдан "Юксалиш" маҳалласигача 1,4 км газ қувури тортилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 2 та маҳалланинг 650 та хонадониди газ таъминоти яхшиланди, — дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали қурилиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғи **Аъзам Боболиев**. — Шунингдек, Регистон кўчасидан Сўзангарон кўчаси орқали Андижон кўчасигача ўрта ва паст босимли D=159 мм 1,8 км газ қувурлари қурилди ва 4 та маҳалладаги 1900 та хонадонда аҳвол яхши томонга ўзгарди. Самарқанд аэропорти қозонхонаси ва аэропорт атрофидаги кўп қаватли хонадонларнинг газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1,2 км газ қувури монтаж қилинди. Натижада эса қозонхона билан бирга 120 та хонадоннинг газ таъминоти ҳам яхшиланди.

Сўхбатдошимизнинг айтишича, бундан ташқари, "Шодлик" маҳалласидан А.Темур ва Бўстонсарой кўчалари орқали Университет хиёбонигача, М.Улўғбек кўчасидан Мир Саид Барака кўчаси орқали "Завод" кўчасигача 6,7 км ва У.Турсунов кўчаси орқали вилоят Матбуот уйигача 1,3 км газ қувурлари тортилган ва Самарқанд шаҳрининг 18 та маҳалласидаги 12 250 та хонадоннинг газ таъминоти яхшилانган. Қолаверса, Оқдарё ГТСдан Пайариқ тумани Хартанг қишлоғининг Ал-Бухорий мажмуасигача бўлган 18,0 км юқори босимли газ тармоғи қурилиши якунига етказилди. "Ургут" ЭИЗ "Мерганча" ва "Сариқтепа" массивларидаги улгуржи истеъмолчиларнинг газ таъминотини


яхшилаш мақсадида Тойлоқ туманидаги "Ургут-1" ГТСдан 29,5 км алоҳида газ тармоғи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ургут ЭИЗ "Хишрав-2" массивига 6,7 км газ қувури тортилиб, ушбу массивдаги ишлаб чиқариш қорхоналарига табиий газ етказиб берилди. Ургут ЭИЗ "Сазаған" массивидаги 18,3 км газ қувурининг монтаж ишлари тугатилган бўлиб, ушбу массивдаги янги қуриладиган ишлаб чиқариш қорхоналари доимий табиий газ билан таъминланади ва янги иш жойлари ташкил қилинади.

Табиий газни етказиб бериш, бунда мавжуд газ тақсимлаш пунктлари ва газ ўтказиш тармоқларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш борасида кўп иш қилинди. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида газ таъминоти объектлари ва уларга алоқадор ўсқуналар ҳамда қувурлардан фойдаланиш борасида қилинаётган чора-тадбирлар ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 23 февралдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича режадаги 14,1 км газ тармоқларидан 10,4 км газ тармоқлари қурилди.

— Ишлар якунлангандан сўнг 42 та МФЙдаги 36800 та аҳоли хонадонлари ҳамда 270 тадан ор-

сида Сиеб кўпригининг остигача трамвай йўли остида қолган D-530 мм L-0,8 км ер ости газ қувурини хавфсиз ҳудудга кўчириш ишлари якунланди. А.Навоий кўчасидан М. Улўғбек кўчасигача бўлган D-114 мм L-1,2 км газ қувурини қуриш ишлари якунлангани тадбиркорлик соҳаси ривожига учун ҳам янги имкониятларни очмоқда. Яъни А. Навоий кўчасида ташкил этиладиган чет давлатлар ошхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш объектларининг эндиликда табиий газ билан таъминланиши аниқ бўлди.

Албатта, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида қилинаётган бу ишлар кишини қувонтиради. Аъзам Боболиевнинг маълум қилишича, яқин кунларда А.Темур ва Гагарин кўчалари кесимида Фирдавсий кўчасигача бўлган юқори босимли D-219 мм L-0,45 км газ қувурини қуриш ишлари ҳам охирига еказилди. Бунинг натижасида эса СамГАСИ ҳудудидаги 8 та маҳалланинг 3380 тага яқин хонадониди табиий газ таъминоти яхшиланди. "Оқдарё" ГТСдан Ўзбектракт, Шохизинда, А.Шомурод кўчалари орқали Панжакент кўчасигача D-325 мм L-11,5 км ўрта босимли газ қувурини қуриш ишлари бўйича 2021 йилдаги 1,6 км қисми тўлиқ монтаж қилиниб, ишлар якунланди. Ҳозирда Самарқанд шаҳрининг тарихий ҳудудидаги 12050 та хонадоннинг табиий газ таъминотини яхшилаш режалаштирилмоқда. Яна бир жайри иш Самарқанд туманидаги "Кониғил" қишлоғи ҳудудида қурилиш режалаштирилган "Samarkand City" массиви йўналишида олиб борилмоқда. Бу массивни табиий газ билан таъминлаш мақсадида "Тойлоқ" ГТСдан D-273 мм L-4,2 км газ қувурини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 2,0 км D-315 мм полиэтилен газ қувури монтаж қилинди. Натижада "Самарқанд туризм маркази" туристик зонаси объектлари ва ҳудудга туташ маҳаллалардаги 3820 та хонадон тўлиқ газ билан таъминланади.



тиқ ижтимоий-соҳа объектларида табиий газ таъминоти яхшиланади, — дейди қурилиш ва таъмирлаш бўлими етакчи муҳандиси У. Якубов биз билан сўхбатда. — Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 7 та объектдан 5 та объектда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, 2 та объектда ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳар Г-34 кўчасидан Гулобод кўчаси орқали Хўжа Аҳрор Валий мажмуасигача бўлган D-219 мм L-0,8 км газ қувурини қуриш ишлари якунланди. Натижада Самарқанд тумани ҳудудидаги 6 та маҳалладаги 3020 тага яқин хонадонда табиий газ таъминоти яхшиланди. Даҳбед ва Рудакий кўчалари чорраха-

"Ҳа, энди 35 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётганимдан кейин бу нарсаларни билмасам уят бўлар", деб ҳазил аралаш қулдилар. Кейин эса ўз ҳаёт ва фаолияти йўлини йўл-йўлакай сўзлаб берди.

— Ургут туманида туғилганман, ота-онам "Зарафшон" хўжалигида оддий ишчи эдилар, — дейди Аъзам ака. — Оилада уч ўғил фарзандимиз. Ота-онам ўзларининг камтар ва ҳалол меҳнати билан рўзгор тебратиб, бизни ўқитишга, зиёли инсонлар бўлишга астойдил ҳаракат қилганлар. Бу ҳаракатлар самарасиз кетмади, деб ўйлайман. Чунки акам савдо йўналишида, укам эса ҳарбий соҳада ўз ўрнини топишди. Мен Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини иссиқлик газ таъминоти ва ҳаво алмаштириш мутахассислиги бўйича тамомлаганман. Ўқишни тамомлаб, ҳарбий хизматга кетдим ва қайтиб келгач Ургут тумани хўжалигида газ бўйича техник бўлиб фаолият бошладим. Ўн йилга яқин техник бўлиб ишладим. 1995 йилда Ургут тумани газлаштириш идорасига муҳандис бўлиб ишга кирдим. Шундан кейинги фаолиятим "Ургуттумангаз" филиалида, "Марказгазтаъминот" унитар қорхонасида, Самарқанд вилояти газ таъминоти ҳудудий филиали каби ташкилотларда кечди. Раҳбарлик лавозимларида, масъул вазифаларда ишладим. Яратганга шукр, эл-юрт олдида юзим ёруғ. 2019 йилдан буён "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалида қурилиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғиман. Ҳозирда шу ишонччи оқлашга ҳаракат қилиб келаяпман. Турмуш ўртоғим ўқитувчи, 7 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Худога шукр, барчаси ҳаётда, турмушда ўз ўрнини топиб боришмоқда. Фарзандларим олий таълим даргоҳларида ўқишга кириб, бизни хурсанд қилиб келишмоқда.

Мақолани тайёрлаш жараёнида биз сўз юритаётган филиалда ҳамкорликда иш олиб бораётган соҳа ходимлари билан ҳам сўхбатлашиб қолдик.

— Хоразмдан келганмиз, — дейди ўзини "Хоразм газ қурилиш монтаж" қорхонаси раҳбари деб таништирган Рустам ака Матюсов. — Биз ушбу филиал билан ҳамкорлигимиз давомида Самарқанд шаҳрида, Тойлоқ туманида газ қувурларини қуриб фойдаланишга топширдик. Ражаббой Нурматов, Отабой Отаев, Самандар Ҳамидов, Ражаббой Ҳайитов, Маҳмуд Машарипов сингари ходимларимиз билан аҳилликда ишларни олиб бораяпмиз.

— Биз ҳам ушбу филиал билан ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз, — дейди "Умиджон газ-сув қурилиш" МЧЖ раҳбари Искандар Бозоров. — Бу ерда Аъзамжон ака бошчилигида барча шaroитлар яратилган. Газ қувурларини ўрнатишда ўзаро ишонччи йўқотмасликка ҳаракат қилаёпмиз.

Бир сўз билан айтганда, "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириб, куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

ИҚТИСОД

БОЙИБ БОРАЁТГАННИНГИЗДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Марказий банк бошқарувининг навбатдаги йиғилиши якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарув раиси Мамаризо Нурмуратов жорий йил 9 ойи якунлари бўйича амалга оширилган ишлар борасида маълумот берди.

Шунингдек, анжуманда М.Нурмуратов иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиб бориши ва нархларни оширувчи омилларнинг сақланиб қолаётгани шароитида йил якунига қадар инфляция даражасини 10 фоизгача пасайтириш ва келгусида 5 фоизлик инфляция таргетга эришиш мақсадида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик 14 фоиз даражасида ўзгартириш қолдирилганини маълум қилди. Шу билан бирга, йил бошидан бошлаб иқтисодий фаолликнинг жадаллашуви ва пандемия билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланиб бориши ҳисобида ички ва ташқи талаб динамикасида ижобий тенденциялар кузатилганини ҳам айтиб ўтди.

Жумладан, жорий йил 9 ойи якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 6,9 фоизни ташкил этган. Бунда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 9 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 4,2 фоизга, қурилиш ишлари — 4,5 фоизга ва асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар — 5 фоизга ўсилишига эришилган. Ушбу даврда аҳоли даромадлари реал ҳисобда 10,4 фоизга ошган.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида иқтисодий фаолликнинг пандемияга қадар бўлган даврдаги даражасига чиклиниши ўзкор муқддатни талаб этмоқда. Хусусан, ички ва ташқи туризм, транспорт хизматлари, автомобиль ишлаб чиқариш (ўтган йил 9 ойга нисбатан 32,4 фоизга пасайган) ва умумий овқатланиш соҳалари ҳали ҳам 2019 йил даражасига етгани йўқ. Келажакда ушбу соҳаларда ҳам иқтисодий жараёнларнинг тўлиқ тикланиши юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини қўллаб-қувватловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Истеъмол талаби ҳолатини кўрсатувчи чакана савдо айланмаси 2021 йилнинг дастлабки 9 ойида реал ҳисобда 9,8 фоизга ўсгани, ўз ўрнида, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида 10,9 фоизга ўсган бўлса, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 18,3 фоизга ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоизга кўпайган.

Матбуот анжуманида тижорат банклари томонидан 2021 йилнинг 9 ойида иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 33 фоизга ўсиб, 119,5 триллион сўмга етгани, бунда, ушбу даврда аҳолига ажратилган автокредитлар миқдори 1,6 баробарга, микроқарзлар — 1,7 баробарга ва микрокредитлар — 2,3 баробарга ўсгани маълум қилинди. Шунингдек, жорий йил якунлари бўйича кредит қўйилмалари ўсишининг номинал ЯИМ ҳажми ўсишига муносиб равишда 16-18 фоиз доирасида бўлиши кутилаётганини қайд этилди.

Бундан ташқари, тадбирда Мамаризо Нурмуратов 2022-2023 йилгача бўлган режаларини ҳам маълум қилди. Унга кўра, 2022 йилда ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 5,6-6 фоизни, инфляция даражаси эса 8-9 фоизни ташкил этиши, 2023 йилда эса ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 6 фоиз атрофида, инфляция 2023 йил охирига бориб 5 фоизга пасайиши кутилаётганини ҳам қайд этиб ўтди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Шундан кейин ҳам биз боримизга шукр қилмайликми? Шундан кейин ҳам биз бу асарни ўқимайликми?..



НИГОҲДАГИ ИЛТИЖО

Ижодкор инсон қай ҳолатда бўлмасин - хастами, иложсиз ёки имконсиз у барибир ижодкор. Ана шу ҳолатида ҳам зиё улашиш учун курашади. Қалами ёзишдан тўхтамайди. Чунки, ичидаги олов унга тинчлик бермайди. Жаҳон адабиётида бундай адиблар кўп. Уларнинг ана шу сەҳрли олами билан эндиликда “Ўзбекистон овози” газетасининг “Бир асар тарихи” саҳифасида танишиб борасиз.

Европа адабиёти, айниқса, катта ёшдаги китобхонлар учун жиддий ва эътибор билан танланадиган мавзу. Улар Европа адабиётини дунёқараш, эътиқод, менталитет ва тарбияга зид бўлган мавзулардан холи эканига ишонч ҳосил қилиб, кейин ўқишлари ёки кимгадир тавсия этишлари мумкин. Бу, менимча, тўғри йўл.

Асарлар бизга, айниқса, эътиқодимизга, тарбиямизга ёмон таъсир кўрсатмаслиги керак. Бугун тўхталмоқчи бўлганимиз шундай асарлардан бири. Тўғри, бу асар саргузаштларга, ранг-баранг сахналарга, тезкор воқеаларга бой эмас. Лекин шундай асарлар кўпроқ фойда беради.

Муаллифнинг қай аҳволда ёзгани, нега ёзгани, мақсади ва ниҳоят

асарнинг пайдо бўлиши – буларнинг ҳаммаси ақлбодар қилмас воқеа. Адабиёт тарихида бунақаси бўлмаган.

БАХТСИЗЛИК
Жан-Доминик Боби. Жан-Доминик франциялик таниқли драматург, журналист, ёзувчи эди. Омади кулган, дўслари ёнида парвона, оиласи, фарзандлари, хуллас, ҳаммаси жойида эди. Кутилмаган ҳалокат унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Ёзувчи кучли инсультни бошидан ўтказган эди. У йигирма кун деганда кома ҳолатида чиқади.

Жан-Доминикни тақдирнинг аччиқ қисмати кутиб турганди. Ўзига келганида танаси бутунлай фалаж эди. Қўллари, оёқлари ўзига бўй-

сунмас, бошини, бармоқларини қимирлатиш, ҳатто овозини чиқариб ёрдам сўрашга ҳам ярамай қолганди.

Аваллига у қарахт ҳолатга тушиб қолади, вақт ўтиши билан ўзига умуман бўйсунмайдиган танасига мослаша бошлайди. Юрولмайдиган оёқлар, қимирламайдиган тана, ҳаракатланмайдиган қўллар, булар ҳаммаси – майли, аммо журналист, ижодкор учун бармоқларни ҳам ишлата олмай қолиш, ўз тили билан энг осон сўзни ҳам айтолмаслик ҳаётнинг тугашини, қолган умрнинг ҳар сонияси минг бир азобда ўтишини аңлатарди.

КУТИЛМАГАНДА...
Тулик ва шафқатсиз фалажлик Жан-Доминикнинг афтода ва мушфиқ ҳолати учун тугаш, тамом бўлиш эди. Лекин, у дунёдан ажралиб қолишни, одамлардан узоқлашини, мулоқотдан тўхташни истамасди, тан олмасди. Қурашади. Бу курашда логопеднинг ёрдами билан ғолиб чиқади. Ётоққа миҳланган, бармоғи ишламаса, тили айланмаса-да, ёзишдан, яшашдан тўхтамайди.

Бориға шукр қилишимиз, ҳаётнинг, яқинларимизнинг, кўёш, ёмғирлар ва ҳатто ҳазонларнинг қадрига етишимиз учун ўзининг

ҳолатини ибрат учун кўрсатади, ўзи ҳақида асар ёзади.

ҚАЙСАР КАПАЛАК
“Скафандр ва капалак”. Номини бироз ғалати эшитилса-да, китобни ўқисангиз асар учун бундан яхши ном йўқ эканига амин бўласиз. Скафандр – сув остига тушиш учун кийиладиган махсус кийим. Бу номдан рамзий маънода фойдаланилган, у инсон танасини аңлатади. Капалак эса руҳимизни.

Бир сўзни на айтиб, на ёзолмай-

АСАРДАН ПАРЧА:

Бу энг оддий тонг. Соат 7 дан бошлаб ҳар чорак соатда вақт ўтаётганидан хабар берувчи қўнғирқоқлар чалинади. Тунги ҳордиқдан кейин тўлиб кетган ўпкаларим шовқин билан яна нафас олишни бошлайди. Сарик чойшабга қаттиқ ёпишиб олган қўлларим менга азоб келтиради, қизғини улар иссиқми ё совуқми, тушуна олмайман. Анкилозга қарши курашиб, қўл оёқларимни ҳеч бўлмаганда бир неча миллиметрга чўзишга ҳаракат қиламан. Бу менинг қийналиб кетган тана аъзоларимга сал бўлса-да енгиллик беради...

Аҳволимни ҳеч ким аниқ тушунтириб беролмас, тўсатдан, шунчаки, тасаввур қилинган далилларга таяниб, яқинда яна ҳаракатга ва тилга киришимга умид қилардим...

Сон-саноксиз тутқаноқлардан сўнг, ниҳоят, менга азоб бераётган, бўшашиб ўзимга бўйсунмайдиган танамга кийим кийдиришди... Тайёргарликдан сўнг “маросим”га ўтиш мумкин эди. Икки киши елкам ва оёғимдан ушлаб, краватдан ўриндиққа жойлаштиришди. Оддий бемордан ногиронга айландим. Утирган ҳолатим тутқаноққа сабаб бўлди-йўқми, шуни аниқлаш учун мени бутун қават бўйлаб айлантириб чиқишар, мен эса келажақдаги режаларим барбод бўлаётгани ҳақида ҳаёл суриб, жимгина ўтирардим...

рин эса бу борада етакчилик қилади. Шунингдек, бодрок, яъни попкорн, чипслар, кетчуп, майонез ҳамда турли соуслар таркибда бу турдаги мойлар бор. Гўшт ҳамда балиқдан ярим тайёр маҳсулотларда, музлатилган овқатларда, музқаймоқда, турли қандолат маҳсулотларида ҳам транс ёғлар мавжуд. Кўпчилик севиб истеъмол қиладиган картошка фри, тез тайёрланадиган “фастфуд”ларда, шунингдек, шўрва, крем, ҳамирли овқатлар, ичимликлар ва бошқаларни тайёрлашда ишлатиладиган қуруқ аралашмаларда трансген ёғлар бўлади.

ФОЙДАСИДАН ЗАРАРИ КЎП МАҲСУЛОТ

Маълумотларга кўра, дастлабки сунъий равишда тайёрланган транс ёғлар фойдали ҳисобланган. Бундан ташқари, улар сарёғга нисбатан арзон бўлиб, бир неча бор ишлатиш имкони бўлган. Фастфуднинг ривожланишига асос сифатида хизмат қилган ва бир неча ўн йиллар давомида ҳеч бир эътирозларсиз қўлланилиб келинган.

Фақатгина 1981 йилга келиб, хорижлик бир гуруҳ олимларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида гидрогенланган мойлар юрак қон-томир касалликлари хавфини ошириб юбориши аниқланган. Ана шунда инсон организмига тушаётган ёғларнинг тузилиши муҳим, деган хулосага келиниб, изланишлар давом эттирилган.

ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ТАНЛОВИГА ЭГА

Биринчи бор эшитганда ёки ўқиганда ваҳимали туйилган бу асоратлардан халос бўлиш жуда ҳам осон. Биринчидан, харид қилаётганингизда маҳсулот ёрлиғига қарашни унутмаслик керак. Масалан, қайси номдаги ёғлар борлиғига кўра, озиқ-овқат таркибиде трансген ёғлар бор ёки йўқлигини билиш қийин эмас. Жумладан, гидрогенланган, қисман гидрогенланган ёки ўсимлик мойлари ҳамда маргарин қўшилган ҳар қандай маҳсулотда бу турдаги ёғлар борлигини аңлатади. Уни сотиб олиш ёки олмаслик эса, ҳар бир шахснинг ўз танловиға боғлиқ.

Бундан ташқари, имкон қадар ярим тайёр маҳсулотлардан воз кечган маъқул. Уй шароитида ҳам табиий маҳсулотлардан фойдаланиш, турли ширинликларни маргарин ёки бошқа шу турдаги ёғларни қўшмасдан пишириш яхшироқ, деб ўйлаймиз. Шовиб турган вақтингизда ҳам тез тайёр бўладиган озиқ-овқатларнинг истеъмол қилмаслик орқали соғлигингизни асраш имконингиз ортиси бор гап. Муҳими, биз танлаган маҳсулот организмимизга роҳат олиб кириши керак, нафсимизга эмас.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

САЛОМАТЛИК

Кимёвий тил билан айтганда, транс ёғлар – бу махсус усуллар ёрдамида олинган, тўйинмаган ёғ кислоталаридир. Бундай ёғ кислотасининг тузилишида мавжуд иккита ўта муҳим ва билишимиз керак бўлган камчилик бор...

“ЧИПС”, “СУХАРИКИ” ТАРКИБИДА НИМАЛАР БОР?

Транс ёғлар — бу тўйинмаган ёғли кислоталарнинг транс изомерларини ўз ичига олган ёғлар. Табиий маҳсулотларда оз миқдордаги транс ёғларни топиш мумкин (кавш қайтарувчиларнинг сути ва гўштида, шунингдек ўсимлик ёғларида), лекин энг катта хавфни sanoat усулида ишлаб чиқарилган ва ҳар хил овқатларга қўшилган транс ёғлар келтиради. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, гидрогенизация жараёни натижасида водород атомлари боғланиб тўйинган ёғ кислоталаридан фарқли равишда, батамом янги молекула ҳосил қилади. Ушбу ҳолат, яъни трансформация натижасида юзага келган ёғлар ана шундай аталади.

Кўпчилигимиз “транс ёғлар” ва уларнинг зарарлари ҳақида эшитганмиз. У ҳақида яхши билган кишилар учун ушбу сўз қандайдир бир хавфли маънони ҳам аңлатиши мумкин. Ораминда тўғри овқатланишга амал қилувчилар ва бу ҳақида “оғиз кўпиртириб” мақтаниб юрувчилар ҳам бор.

Бироқ, ҳатто ўшалар ҳам дўконга кириб боласи учун ширинликлар ёки “чипс”, “сухарики” сингари эрмакларни сотиб олаётганда фарзандига нима едираётгани ҳақида бош қотириб ҳам ўтирмайди. Аксинча, боланинг танасида кичик ёшиданок бу зарарли моддаларнинг йиғилишига сабаб бўлма-миз. Тўғри, маҳсулот таркибининг кўздан кечириладиган ҳам бор. Аммо уйдабурон ишлаб чиқарувчилар “транс ёғлар” деган чўчитувчи атамани бошқа номлар билан ёзган ҳолда, яширишни яхши ўзлаштириб олгани ҳам бор гап. Хўп, ушбу ёғ шу қадар зарарли бўлса, унинг хавфи айнан нимада? Улар қайси озиқ-овқат маҳсулотлар таркибиде бўлади ва уларни қандай билиб олиш мумкин?

МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ

Муаззам Иброҳимова, шифокор:

— Sanoat транс ёғлари — суюқ ўсимлик ёғларидан гидрогенлаш (водород қўшилиши) натижасида олинадиган қаттиқ ёғлардир. Гидрогенлаш (қотиш) амалиёти ёғларнинг сақлаш муддатини сезиларли даражада оширади, бу эса ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун жуда ҳам фойдали. Аслида,



ДИҚҚАТ, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ТРАНС ЁҒ

ёҳуд ярим тайёр маҳсулотларнинг зарари ҳақида жиддий тавсия

қўплаб ўсимлик мойлари инсон организм учун фойдали ҳисобланса-да, гидрогенлаш жараёнидан кейин ёғнинг кимёвий таркиби кескин ўзгаради ва таънига хавф тўғрисида бошлайди.

Шуниси эътиборга лойиқки, оддий ўсимлик ёғи (кунгабоқар, зайтун, соя, маккажўҳори ва бошқалар) ҳам қовуришда транс ёғлар манбаига айланади. Шунинг учун шифокорлар ва овқатланиш мутахассислари қизариб пишган овқатларни қамайтиришни қатъий тавсия қиладилар ҳамда уларни парҳездан бутунлай чиқариб ташлаш таъкидланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) sanoat транс ёғларининг инсон танасига хавфли таъсирини тан олди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчиларга уларни озиқ-овқат таркибидан бутунлай чиқариб юборишни, истеъмолчилар эса транс ёғларни кунлик истеъмол миқдорини 1% гача (2-3 гр) қамайтиришни тавсия қилди. Чунки ушбу турдаги мойлар инсон танасида тўпланиб қолади, бу тананинг оғир касалликларига, ҳаттоки, ўлимга олиб келади.

ЭНГ МУҲИМИ – МЕЁР

Шуни унутмаслик керакки, бизнинг организмимиз транс ёғларга тобалик хис қилмайди. Ҳаттоки, улар танамиз учун ортиқча ҳисоблана-

ди. Демак, кунлик меъёрни нолга тушириш энг тўғри йўл бўлади. Лекин бунга эришиш мушкул. Шу боис истеъмолдаги энг юқори зарарсиз нуқта белгилаб қўйилган. Мисол учун, кунлик 2000 килокалория қабул қиладиган киши учун транс ёғларнинг 1% миқдори 20 каллга тенг бўлади. Агар уни масса кўринишида ҳисобласак, 2 граммга тўғри келади. Ушбу миқдорни ҳар кунни организмга қабул қилиш мажбурияти ҳам йўқ эканини унутмаслик керак.

Транс ёғлар энг аввало, қон томирлари ва юрак учун зарарли саналади. Улар коронар артерия касаллиги, қон-томир ва юрак-қон томир тизимининг бошқа қўплаб хасталиклари хавфини сезиларли даражада ошириб юбориши илмий жиҳатдан исботланган. Афсуски, юрак-қон томир касалликлари оқибатида ҳаётдан қўз юмаётганлар энг кўп учрайди.

Шу билан бирга, транс ёғлар имунитет тизимиға салбий таъсир кўрсатади. Семизлик, қандли диабет ва саратон касаллигининг бошланишиға олиб келади ҳамда ривожланишиға туртки бўлади. Она сути сифатининг пасайишиға ва шу йўл билан боланинг соғлиғига таъсир қилиши кузатилади.

Транс ёғлар ҳар бир дўконда мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисмида учрайди. Марга-

YANGI KITOB

Воқеа ва ҳодисалар, авламбор, архивларда сақланаётган кўплаб ҳужжатлар, статистика маълумотлари асосида ёритилган.

27-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№43 (32685)



ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ ЧОП ЭТИЛДИ

ги, бошқача айтганда, ҳақиқийлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам у жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олиниб, тезда тарқалиб кетди.

Китобнинг биринчи марта нашр этилишидан кейин ўтган йиллар (чорак аср!) унинг муаллифи мавзунинг таҳлилида тўғри йўлдан борганлиги, воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда, Шароф Рашидов шахси, ҳаёти ва фаолиятини ёритишда ҳолисона ёндашганлигини кўрсатди. Китобни қайта нашр этишга тайёрлаш жараёнида олдинги таҳлиллар ва чиқарилган хулосаларга ўзгаришлар киритилмаганлиги ҳам шундан далолат беради.

Давлат ва жамоат арбоби, адиб, журналист, муҳаррир, муаллим, зиёлилар оиласининг бошлиғи, меҳрибон ота, камтарин инсон Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва жўшқин фаолияти, халқ ва Ватан учун қилган беҳисоб ишлари янги Ўзбекистонни бунёд этишга бел боғлаган ҳозирги авлодлар учун бебаҳо ибратдир. Шу боисдан тарих фанлари доктори С.Ризаев китобининг қайта нашр этилиши, хусусан, яқинда унинг ўзбек тилида ҳам чоп этилиши (Сайдакбар Ризаев. "Шароф Рашидов. Портретга чизгилар". "Шарқ" нашриёти, 2021) нафакат биз, Шароф акани кўрган ва билган кексалар учун, балки ёшлар учун ҳам қимматли тўхфа бўлди. Китобнинг ўзбекча нашри Шароф Рашидов шахси ва унинг даври билан қизиқувчилар доирасини янада кенгайтиргани шубҳасиз.

Мазкур китоб етук олим томонидан яратилганлиги учун унга, биринчи навбатда, мавзунинг тадқиқ қилиш ва ёритишга илмий ёндашилганлиги ҳосидир. Шароф Рашидов даври воқеа ва ҳодисалари, авламбор, архивларда сақланаётган кўплаб ҳужжатлар, статистика маълумотлари асосида ёритилган. Муаллиф яна бир муҳим манба

– Шароф Рашидовнинг сафдошлари, уни яхши билган бошқа кишиларнинг гувоҳликлари, хотираларидан ҳам ўринли фойдаланган. Шунингдек, совет ва чет эл матбуотида ўша даврда эълон қилинган материаллар ҳам жалб қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги ва 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланган, унинг табаррук номи ва шаъни тўла тикланган, унинг ҳақида ўнлаб мақола ва китоблар эълон қилинган бўлса-да, Сайдакбар Ризаевнинг асарига қизиқиш, айниқса, ўзбек китобхонлари томонидан пасаймади. Зотан, ушбу асарнинг она тилида босилиб, тарқатилиши мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Муаллиф китоб "Муқаддима"сида бундай, деб ёзади: "Ўтган йиллар давомида "Бу китоб ўзбек тилида қачон чиқади?", деган кўплаб саволлар олдим. Энди вақти келди, шекилли. Китобнинг иккинчи тўлдирилган нашри пухталики билан таржима қилинди. Пайдо бўлиши мумкин саволларга ўқувчилар бу ерда келтирилган биринчи ва иккинчи нашрлар сўзбошиларидан ҳамда матннинг ўзидан жавоб топиб олади, деб ўйлайман. Асарнинг ўзбек тилида чоп этилиши савобли иш бўлади ва ўзбек халқининг содиқ фарзанди, марҳум Шароф Рашидовнинг руҳларини қувонтиради, деган умиддаман."

Биз муаллифнинг бу фикрларига тўла қўшилган ҳолда, китобхонларни Шароф Рашидов ҳақидаги ушбу салмоқли асар дунё юзини кўрганлиги билан чин дилдан қўтлаймиз.

Собир ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.
Носир ТОИРОВ,
сиёсатшунос-журналист.



ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ ВА "АГРОБАНК" АТБ МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги "Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан соҳадаги изланувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги инновацион ғояларни амалиётга жорий қилганлик учун 10 миллиард сўм миқдорида грант ажратиш тўғрисида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Вазирлик ва банк масъул ходимлари, олимлар, журналистлар, блогерлар ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда меморандум доирасида "Агробанк" АТБ ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги янги истиқболли илмий-инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик қилиши алоҳида қайд этилди.

Меморандум доирасида "Агробанк" АТБ ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва соҳадаги илмий изланувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш ишларига қаратилган лойиҳаларга грант маблағи ажратишда ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширади ва ҳамкорликда янги истиқболли илмий-инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилади.

Илмий-тадқиқот ишларига оид лойиҳаларни шакллантиришда қуйидаги жиҳатлар инобатга олинади:

- ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва соҳадаги изланувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун янги инновацион тадқиқотларни амалиётга жорий этишга қаратилган илмий лойиҳаларни шакллантиришда зарур бўлган янги ишланмаларни яратиш, янги ғояларни рағбатлантириш;
- яратиладиган ишланманинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос бўлиши;
- республика ҳудудларида соҳага оид аниқ муаммоларни илмий асосда ҳал этишга қаратилганлиги;
- лойиҳа натижасида якуний маҳсулотнинг (янги ишланманинг) яратилиши асос-

ланганлиги;
– ишланманинг рақобатбардорчилиги;
– лойиҳанинг натижадорлиги (маҳсулот ёки такомиллаштирилган технология);
– ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари йўналишлари бўйича янги илмий ишланмалар ва технологияларни республика иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Танловлар асосида молиялаштирилган лойиҳалар доирасида замонавий лаборатория ускуналари ҳамда тадқиқот жараёнлари учун зарур бўлган замонавий техник воситалар билан таъминлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари йўналишлари бўйича янги илмий ишланмалар ва технологияларни республика иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Маълумки, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ба-жариладиган фундаментал, амалий ҳамда инновацион лойиҳалар танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўсимликларни химоя қилиш ва турли зарарку-нандаларга қарши курашга қаратилган умумий қиймати 58,1 миллиард сўм бўлган 93 та илмий лойиҳа молиялаштирилди.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Шухрат ИСЛОМОВ.



Реклама ўрнида

REKLAMA



ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АХОЛИСИ ВА МЕХМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING AMALDAGI ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоўзайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоўзатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.

Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, Мустиқиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темури кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустиқиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'zbekiston ovozi

№43 (32685)

MUASSIS:



8 | O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

Г — 1041. 3514 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:45.

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda